



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (12.157)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 май куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра Ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Кенгашнинг ушбу саммити Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланганига 20 йил ва ОДКБ ташкил этилганга 10 йил тўлган бир пайтда бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Шартномага қўшилган мамлакатлар коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича мураккаб йўлни босиб ўтди. Собиқ Иттифоқ ҳудудига юзага келадиган кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида аъзо мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги бўйича катта тажриба тўпланди.

2002 йилда тузилган ОДКБ аъзо давлатларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ОДКБнинг терроризмга, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига, уюшган трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мақсадли вазифалари кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти минтақада ва умуман дунёда юзага келган, турли тенденцияларга эга ҳамда ушбу маконда жойлашган давлатлар ва халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб сиёсий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, Ташкилотни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон ОДКБнинг асосий мақсади, аввало, аъзо давлатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат, деб билиши таъкидланди. ОДКБ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг ҳамжиҳатлик тамойилига амал қилиши ҳамда манфаатлари уйғунлигига боғлиқ экани баён этилди.

Сессия аъзолари бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси ва қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон томони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўп томонлама ҳамкорлик учун шарт-шароит яратилган манфаатдор суверен мамлакатлар бирлашмаси сифатида қарайди.

Ҳамдўстлик кўп қиррали ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши мумкин ва зарур. Шунингдек, у бевосита музокара ва давлатлараро мулоқотлар, жумладан, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар майдони бўлиб қолиши керак.

Учрашувда МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли масалалари юзасидан фикр алмашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Москвага ташрифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари Владимир Путинни сайловдод кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Россия Федерацияси Президенти юксак лавозимига сайлангани билан самимий табриқлади.

Томонлар дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда, аввало, олий даражадаги доимий музокаралар жараёни, сиёсий мулоқот зарурлигини ҳамда юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туришда, халқаро хавфсизликнинг кўплаб кескин муаммоларига ечим топишда ўзаро келишилган позицияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Куйидаги маълумотлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак суръатларда ривожланаётганидан далолат беради: 2010 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 6,7 миллиард долларга етди. Ушбу муҳим соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу, биринчи навбатда, товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва сарможий соҳадаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Владимир Путин, ўз навбатида, Россия томони Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳиятини юксак баҳолашни, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири, деб билишни таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталаари замон талаб қилаётган суръат ва сифат билан илгари одимлашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Тошкентда ҳар йили ташкил этиладиган Миллий дастурчилар форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон софтвер саноати, қатор хорижий етакчи компаниялар мутахассислари ва экспертлари, шунингдек, давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда муассасалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқалар тадбир ташкилотчилари бўлди. Форумни ўтказишдан асосий мақсад етакчи мутахассислар, давлат бошқаруви органлари, бизнес ва жамоатчилик институтлари вакиллари соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан таништириш, уларга ўзаро тажриба алмашиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш, тармоқни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш жараёنларини меъриёй-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш учун имконият яратилган иборат.

Дастурчилар форумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул

қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини соҳасидаги етакчи мутахассислар, давлат бошқаруви органлари, бизнес ва жамоатчилик институтлари вакиллари соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан таништириш, уларга ўзаро тажриба алмашиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш, тармоқни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш жараёнларини меъриёй-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш учун имконият яратилган иборат.

Қарор ва ижро

ЎЗБЕКИСТОН ДАСТУРЧИЛАРИ ФОРУМИ

коммуникация технологияларини соҳасидаги етакчи мутахассислар, давлат бошқаруви органлари, бизнес ва жамоатчилик институтлари вакиллари соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан таништириш, уларга ўзаро тажриба алмашиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш, тармоқни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш жараёнларини меъриёй-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш учун имконият яратилган иборат.

дал тараққий этаётганлигини куйидаги мисолларда ҳам кўриши мумкин. Ҳозир мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туман марказларидаги тармоқлар рақам-

лаштирилган, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли халқаро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатишмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар ва уяли алоқа компаниялари абонентлари сони изчил ортиб бормоқда. Кўплаб давлат идоралари ва ҳўжалик юритувчи

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар САНОАТ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Кеча «ЎзэкспоМарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида «Марказий Осиё Саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week» халқаро лойиҳаси ўзини бошлади. Бу йил Марказий Осиё Саноат ҳафталиги кўргазмаларга бой эканлиги билан алоҳида ажралиб турибди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ҳафталик саккизта халқаро саноат кўргазмаларини бирлаштирган бўлиб, «Тог-кон иши — MiningWorld Uzbekistan», «Металлургия ва машинасозлик — Machinery Central Asia», «Йўл-қурилиш ва коммунал техника — UzComak», «Транспорт ва логистика — TransUzbekistan 2012», «Автомобиллар ва бутловчи қисмлар — Auto&Parts Uzbekistan», «Кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғиндан ҳимоя — CAIPS», «Кимё саноати — Chemie Uzbekistan», «Пластмасса саноати — Plastex Uzbekistan» шулар жумласидандир.

Кўтаринки руҳда ўтказилаётган ва ташриф буюрувчиларнинг эътиборини тортаётган ушбу кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзавтотўй» давлат-акциядорлик компаниялари, Ўзбекистон Халқаро автомобиль йўл ташувчилар ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ГЕЕ халқаро кўргазма компаниялари каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Марказий Осиё Саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week» кўргазмаларининг бирлашган экспозициясида жаҳоннинг 19 мамлакатига мансуб 100 дан ортқ компаниялари қатнашмоқда. Яъни улкан халқаро саноат ҳафталигида мамлакатимиз ҳамда Германия, Ҳиндистон, Эрон, Қозғистон, Хитой, Латвия, Норвегия, Бирлашган Араб Амириклари, Польша, Россия, АҚШ, Таиланд, Туркия, Ўзбекистон, Украина, Финляндия, Франция, Чехия Республикаси, Швейцария сингари давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лойиҳада 30 та компания биринчи мартаба қатнашяпти.

(Давоми 2-бетда)

субъектлар ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга асосланган юқори технологияли компьютер ускуналаридан янада кўпроқ фойдаланмоқда. Буларнинг барчаси замонавий дастурий таъминотни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда софтвер саноати ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланидиган 200 дан ортқ фирма ва компания фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили республика миқёсида энг яхши миллий дастурий маҳсулотлар танлови ўтказилмоқда. Бу эса Ўзбекистон софтвер маҳсулотларининг ҳам сон, ҳам сифат кўрсаткичларини ошириш учун асос яратмоқда. Дастурлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар йилдан-йилга кўпаймоқда, дастурий маҳсулотлар бозорининг кўлами кенгаймоқда, лицензияга эга дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ошмоқда, сертификат олган дастуричи сони кўпаймоқда. Ёш дастуричиларнинг ихтисослаштирилган маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Навоийэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида 9 миллиард 70,8 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида вилоят аҳолисини ҳамда саноат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида кўшимча имкониятлар юзага келди.

● Оролбўйида болалар оромгоҳлари ва соғломлаштириш масканларида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд 20 та оромгоҳда ёзги таътил давомида 7 минг 250 нафар ўғил-қиз дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди.

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида анъанавий «Хонобод таровати» ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастуридан ўрин олган «Рақс — менин ҳаётим» танлови, «Қувноқлар ва зукколар» беллашувида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган ёшлар ўз маҳоратини намойиш этди.

● Чимбой туманида бир кеча-кундузда 10 тонна ҳўжалик совуни ишлаб чиқариш қувватига эга «Чимбой мой инвест» корхонаси фаолият бошлади. Настижада маҳаллий йигит-қизлардан 15 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

● «Улуғнор» насос станциясида умумий қиймати 9,02 миллион АҚШ долларлик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилган, Андижон ва Жалақудук туманларининг сув етиб бориши мушкул бўлган 4088 гектардан иборат майдонлари оби ҳаёт билан таъминланди. Ҳозир 10 та кудратли агрегат сувни 216 метр баландликка чиқариб бераётир.

ЖАҲОНДА

● Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,67 долларга ошиб, бир баррели 112,24 долларни ташкил этди.

● РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Непалда содир бўлган авиаҳалокат оқибатида 15 киши ҳаётдан кўз юмган. Маълумотларга қараганда, кўнишга ҳозирланаётган самолёт тепаликка урилган. «Times of India» газетасининг ёзишича, фожиа вақтида бортида 21 киши бўлган ушбу ҳаво кемаси Германиянинг «Дорнир» компаниясида ишлаб чиқарилган. Айни вақтда бахтсиз ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

● Таиландда қалбаки маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга қарши янги қонун кучга кирди. Мазкур қонунга кўра, нуфузли компанияларнинг савдо белгиси остида озик-овқат маҳсулотларини қалбакилаштириш орқали сотувга чиқараётган шахсларга уч йиллик қамоқ жазоси ёки катта жарима солинади.

● Малайзияда қадимий кўп ҳужайрали ўсимлик қолдиқлари топилди. Маълумотларга қараганда, кўриниши сув ўтини эслатувчи мазкур ўсимлик тахминан 580-635 миллион ёшда. Айни вақтда тош қотган топилманин ўнлаб қолдиқлари олимлар томонидан текширилмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, шунга ўхшаш ўсимлик аввал Хитой ва Канадада ҳам аниқланган.

● Шотландиялик олимлар қар ва соқовларнинг имо-ишораларини тезкор илғаб, хотирага ёзиб оладиган ва шу заҳоти сиз-у биз тушунадиган матнга айлантириб берадиган ажойиб технология яратдилар. Бу қурилманин камера-си имо-ишораларни ёзиб олса, унинг махсус дастури имо-ишораларни тезлик билан шифрлайди ва мониторда матн ҳолида ахс эттиради.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетида анъанавий «Best Soft Uzbekistan — 2012» миллий кўргазмаси бошланди.

танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Туркистон» саройида Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Энг намунали оила» кўрик-

мий-амалий анжуман ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ёшлик талабалар шаҳарчасида уюштирилган тадбир «Маънавиятимиз гулшани» деб номланди.

ЎЗБЕКИСТОН ДАСТУРЧИЛАРИ ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий дастурчилар форумида дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасининг етакчи мутахассислари жам бўлди. Унда халқаро ва маҳаллий ахборот-коммуникация технологиялари компаниялари – ишлаб чиқарувчилар ва интеграторлар, контент-ишлаб чиқувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, илмий ва таълим муассасалари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари қатнашди. Улар ўшбу соҳадаги сўнгги ютуқлар ҳақида гапириб берди, тажриба алмашди, маҳорат сабоқлари, тақдиротлар ва таълим семинарларини ўтказди.

Форум икки секцияга бўлинган ҳолда ўтказилди. Биринчисида Ўзбекистон софтвер саноатини ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари, тармоқни оптимallasштириш ва тартибга солиш, дастурий махсулотлар, замонавий дастурлаш технологияларини яратиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасидаги муваффақиятли лойиҳаларни омалаштириш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Иккинчи секцияда ахборот технологиялари таълими, дастурий мундариблик кадрлар билан таъминлаш, малакали дастурчиларни тайёрлаш ва компьютер саводхонлиги курслари-

ни ташкил этиш мавзулари муҳокама қилинди. Секция мажлисларида эса мамлакатимиз дастурлаш саноатининг бизнес-жамоатчилиги ва кенг аҳоли қатламлари учун мўлжалланган мавжуд ҳамда истиқболли ютуқлари намойиш этилди.

Ешлар учун мўлжалланган дастур интернет тақдидига қарши, ахборотни химоя қилишни таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланиши тизимини уйғунлаштириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш жараёнига ахборот технологияларини жорий қилиш, дастурлаш тили, турли жараёнларни автоматлаштириш ҳамда бошқа мавзулардаги маърузалар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасининг ижрочи директори И.Абдуллаевнинг таъкидлашича, форумда миллий софтвер саноатини янада ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар берилди, дастурий таъминот соҳасидаги энг яхши инновация ишланмалари ахборот технологиялари ҳамжамияти томонидан батафсил муҳокама этилди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири



Отабек Мирсодатов (ЎзА) олган сурат

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси, МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида пойтахтдаги касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар ўртасида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси», «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи» ва «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқув-моддий база» кўрик-танловларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтганди.

Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти қошидаги академик лицейда ушбу танловлар қатнашчиларини фахрий ёрлик, диплом ва совғалар билан тақдирлаш маросими ўтказилди.

Кўрик якунларига кўра, Тошкент гидрометеорология касб-хўнар коллежининг 3-босқич талабаси Жалолиддин Абдусаломов назарий билимларни аниқлашга қаратилган тест синовлари ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари қатнашчи сифатида танловнинг республика босқичига йўланмани кўлга киритди.

Тиббиёт коллежида 8 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаман, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи раҳбари

Ўлжабой Чанкаев. – Коллежимиз ўқув базаси юқори савияда ташкил этилганлиги, ўқитувчиларимизнинг маънавий-маърифий ва ватанпарварлик борасида олиб борган ишлари ҳамда ўқувчиларимизнинг билим ва салоҳияти ҳисобга олиниб, бизнинг коллеж «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» дея тан олинди. Коллежимизга ана шундай юксак баҳо берилишида албатта ўқитувчиларимизнинг ҳиссаси катта. Танловнинг кейинги республика босқичида ҳам юқори натижаларни кўлга киритамиз, деган умиддамиз.

Танлов натижаларига кўра, Яксарой туманида жойлашган Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти қошидаги ака-

демик лицей чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқув-моддий база сифатида эътироф этилди. Ушбу коллеж ҳарбий раҳбари захиродаги лейтенант Нуриддин Сафаров эса «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи» номини олиб бўйича қатнашди.

Мазкур танлов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний тайёргарликни ошириш, уларни олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришга йўналтириш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиб, ўқувчи-ёшлар ҳаётида ижобий бурилиш ясаши шубҳасиз.

Отабек ОТАЁРОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишларнинг инсон манфаатларини химоялашдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларни кучли ижтимоий химоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларини таъминлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонунлар билан бирга қўшимча меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа ҳужжатлар, шунингдек, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси билан муҳофазаланган. Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбага оид муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлади.

нома ҳужжатлари билан мамлакатимиздаги юридик шахсларнинг 94 фоизи қамраб олинган. Бу эса дунё миқёсидаги энг юқори кўрсаткичдир. Корхона ва ташкилотлар томонидан тузилган шартномавий ҳужжатларнинг тегишли тарзда ҳуқуқий

ҲИМОЯНИНГ ИШОНЧЛИ ВОСИТАСИ

экспертизадан ўтказилиши унинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари томонидан бандлиги, меҳнат хавфсизлиги, даромадларни ошириш, ҳуқуқий ва ижтимоий химоя, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби долзарб йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ижтимоий шериклик механизмларининг аҳамияти гоят катта бўлмоқда. Унинг самараси корхона ва ташкилотлар, муассасаларда меҳнаткашларнинг бевосита ва билвосита даромадларининг муттасил ортаётгани, улар учун қўшимча имтиёз ва шароитлар яратилаётгани, меҳнат хавфсизлиги, санитария-гигиена, тиббий маданиятни юксалтириш, дам олдириш ва соғломлаштиришга доир амалий чора-тад-

1-Тошкент педагогика коллежида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзусидаги Халқаро конференция тавсиялари ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш йўллари мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманлар ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, Сенат аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари билан бирлашмаси Кенгаши масъул ходимлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маслаҳатчилари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари раҳбарлари, умумтаълим мактабларининг директор ва маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари иштирок этдилар.

Анжуманда мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар, жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, етук кадрларни тайёрлаш масаласи, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, уларни маънавий-ахлоқий, миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, таълим жараёнида АКТ дан фойдаланиш, ёшларни глобализация жараёнларида ёт гоё ва мафқураларнинг таъсиридан химоя қилиш, ёшлар бандлиги, турмуш фаровонлигининг таъминланиши масалалари юзасидан қизиқарли маърузалар қилинди.

— Шаҳримизда бўлиб ўтган, «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоладан айниқса 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизими ҳамда

таълимнинг 7 тилда олиб борилиши алоҳида эътироф этилди, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиги Фаррух Иноятов. — Шунингдек, конференцияда ёшларни ўқишга мақсадли ва тизимли тайёрлаш, миллий ва умуминсоний этик ва маданий қадриятлар билан таништириш, юқори маънавий одоб-ахлоқ асосларини шакллантириш, иқтидорларини янада ривожлантириш, ўрта махсус ва умумий ўрта таълимнинг ўрни ва аҳамияти масалалари кўриб чиқилди. Халқаро конференция таълим тизимини, умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хўнар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди. Бугунги кун ёшлари ўз билимларининг юксак натижаларини дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам кенг намойён этиб, улкан ютуқларни кўлга киритмоқдалар. Ёшларимизни ҳар томонлама салоҳиятли, юксак онгли, етук инсонлар қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир. Зеро, бугунги ёш авлод эртанги кунимизнинг нури давомчиларидир. Шу сабабли биз ёшларимизда маънавий ва мафқуравий иммунитет ҳосил қилишимиз лозим. Уларни ҳар томонлама тафаккурли, тийрак, зехдли, меҳр-муҳаббатли ва юксак онгли қилиб тарбиялашда таълим соҳаси вакиллари фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Мулоҳаза, қизгин мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтган анжуман ёшлар ҳаётининг янада сермазун бўлиши ва уларга яратилаётган имкониятлар ва шароитларни яхшилашга хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

бирларнинг кенгайиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Ходимларнинг меҳнат бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчилари учун «Устоз-шогирд» тизимини кенг йўлга қўйиш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбий малака ва салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш усталари ва ижтимоий химояга муҳтож битирувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар жамоа шартномалари орқали ҳал этилмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, ҳар йили асосий узайтирилган таътиллardan 1,4 миллионга яқин киши, қўшимча таътиллardan эса 1,7 миллион ходим фойдаланмоқда. 2011 йилда 72 минг 655 нафар фуқарога ва 52 минг 400 оилага қарийб 23,5 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

— Корхонамизда 6 минг 500 нафардан ортиқ ходим ишлайди, — дейди ЎзА мухбирига Чирчиқдаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев. — Ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш, хавфсиз иш шароитини яратиш, аиниқса, аёллар саломатлигига эътиборни кучайтириш, фахрийлар, ижтимоий-тиббий кўмакга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашга доир ишларнинг доимий мониторинги йўлга қўйилган. Бунда корхона ва ходим ўртасидаги жамоа шартномасининг аҳамияти аиниқса катта бўлмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Назокат УСМОНОВА

САНОАТ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Тог-кон саноати» бўлими довуғи бутун дунёга таралган тобора кўпроқ компанияларнинг эътиборини тортаяпти. Бу компаниялар учун кўрғазмада қатнашиш аънага айланб қолган.

— «Sandvik Mining and construction» компанияси 2005 йилдан бери аънавий тарзда саноат ҳафталигида иштирок этиб келади, — дейди мазкур компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Темур Муратов. — Кўрғазмаларни ўтказиш борасида «ITE Uzbekistan» компанияси бизнинг яқин ҳамкоримиз. 2008 йилдан бошлаб, ҳар йили бу кўрғазмаларда янги мосламаларни тақдим этиб, қатнашиб келмоқдамиз. Бу йил ер ости ортиш, ташиш машинасининг электр двигателли мосламасини намойиш қилмоқдамиз. Кўрғазмада иштирок этишдан мақсадимиз янги чиқарилаётган машинамизга Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналар, қонлар ўз қизиқишини билдиради, деган умиддамиз. Ваколатхонамиз Ўзбекистон ҳудудида 2005 йилдан бери ўз фаолиятини юритиб келади. Асосий иш йўналишимиз «Sandvik Mining and construction» корпорациясининг ишлаб чиқарувчи заводларини Ўзбекистондаги корхоналар билан боғлашдир. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида «Зармитан» ер ости қонида, «Гранит» ишлаб чиқариш қонида асбоб-ускуналаримиз, машиналаримиз ишлаб келмоқда. Шу жумладан «Sandvik Mining and construction» компанияси қўшни Қирғизистон, Туркманистон, Озарбойжон ҳудудларида фаолият кўрсатаётган машиналарга хизмат қилиш, уларни эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш борасида иш олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, уч кун давомида ўтказилган саноат кўрғазмалари ўзаро ҳамкорлик ва фойдали мулоқотлар борасида муҳим аҳамият касб этади, тижорат ва ишлаб чиқариш компаниялари саноат бозорининг ишлаб чиқарувчилари ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги амалий ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда ўзига хос ўрин тутаяди.

Ўтказилаётган саноат ҳафталиги саноатдаги энг муҳим йўналишларни бирлаштирувчи Ўзбекистондаги ягона кўрғазма ҳисобланиб, унда намоийш этилаётган маҳаллий корхоналаримиз, МДХ ва узок хориж мамлакатларининг замонавий технология ҳамда ускуналари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

КОМПЛЕКС ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Вазирлар Маъжмасининг 2011 йил 19-июлда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда соҳанинг етакчи мутахассислари, ушбу ҳужжатни амалга оширишга жалб этилган вазирлик ва идоралар вакиллари, журналистлар қатнашди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фавқулодда вазиятлар, жумладан, зилзилалардан аҳолини оғохлантириш, у юз берганда тўғри ҳаракат қилиш ва бундай ҳолатларга тайёргарлик кўриш тизимини яхшилашга доир изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2011-2015 йилларга мўлжалланган Комплекс дастур айнан шундай ҳолатлар туфайли юз бериши мумкин бўлган қурбонлар сони ва вайронгарчиликларни камайтиришга қаратилган. Бунга мамлакатимиз аҳолисини тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш, уларни ўқитиш кўламини кенгайтириш, улар ўртасида бундай ҳусусиятга эга маълумотларни кенг тарқатиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўринбосари, полковник Х.Абдуллиззов Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Фанлар академиясининг Сейсмология институти билан ҳамкорликда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Масалан, таълим муассасаларида ёшларни махсус дастурлар асосида тайёрлаш ишлари олиб борилаётган. «Ҳаёт ва фаолият хавфсизлиги асослари», «Саломатлик, ҳаёт ва фаолият хавфсизлиги асослари» дастурлари ишлаб чиқилиб, тақомиллаштирилмоқда, мамлакатимиз олий ўқув юртларида сейсмология ҳамда сейсмометрия бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўқув юртлари ўқувчилари учун мўлжалланган зилзила ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилиб, нашр этилди. Зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини ўзбек, қорақалпоқ, рус ва бошқа тилларда кўрсатилган ўқувчиларнинг хавфсизлик паспортини чоп этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари, семинарлар ўтказиш ҳам бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир. 2012 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 530 дан ортиқ шундай тадбирда маҳалларнинг 25 мингдан ортиқ фаоллари қатнашди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг аҳоли ва раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича ҳудудий марказлари томонидан ҳар йили ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан 30-35 минг киши ўқутилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили ўтказилаётган сайёр машғулотларда ҳам ўртача 80-90 минг киши қатнашмоқда.

Матбуот анжуманида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Давра суҳбати

“Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда”.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан).

“...бундай мурожаатларни кўриб чиқаётганда, аризаларни жойларга бориб текшираётганда, биринчи навбатда, кимга суяниш керак? Авваламбор, жамоатчиликка, маҳалла фаолларига. Шунинг учун ҳам бундай мурожаатларни жойларда қанча кўп очик, ошкора муҳокама қиладиган бўлсак, уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўрадиган бўлсак, ариза ва шикоятларнинг сони шунча камаяди. Қайси бир шикоятда ҳақиқат, қайси бирида эса шахсий адоват борлиги айнан шундай муҳокамалар пайтида аён бўлади”.

Фуқаро фаол бўлиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши лозим. Бунга ҳалакат қиладиган ҳар қандай вазият юзага келганда эса у тегишли идораларга мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу масалани тартибга солиш учун **Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни** қабул қилинган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан ҳамкорликда **«Ўзбекистонда фуқароларнинг мурожаатлари: қонунчилик ва амалиёт»** мавзусида семинар ўтказилди. Унда фуқароларнинг мурожаатлари боғлиқ қонунчиликнинг базисини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилиб, бу борадаги истиқболли режалар белгилаб олинди.

Табиий савол туғилади: нима учун бу масаланинг муҳокамасига бағишланган семинар айнан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012 йил 16 мартда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида шиддат билан ўзгараётган, энг муҳими, қундан-қунга халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам, мутаносиб равишда уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бораётган ҳозирги замонда раҳбар кадрларнинг масъулиятини янада ошириш лозимлиги ҳақида тўхталиб, айниқса, фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги эътибор билан ёндашиш зарурлигини: **«...ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим»**, – дея алоҳида таъкидлади.

Мавжуд вазиятнинг тахлили кўрсатмоқдаки, бу масалада қонун ижроси билан боғлиқ баъзи камчиликлар ҳам бор. Шу камчиликларни бартараф этиш учун биринчи навбатда қонун талабларидан келиб чиқиб, мурожаатларни кўриб чиқишга доир иш юритиш хизматининг тўғри ва аниқ ташкил этилиши, уларнинг ижросига бўлган муносабатни, бу борадаги фаолиятни пухта ташкиллаштириш, ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, энг муҳими, муаллифга жавоб бериш мuddати қонун талабидан чиқиб кетмаслиги лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган семинарда 2010 – 2011 йилларда ва 2012 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар томонидан қилинган озғак ва ёзма мурожаатлар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумот тингланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳам фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб, ўтказилган муҳокама жараёнида Президентнинг қонунчилик палатаси билан ишлаш вазифаларини тўлақонли адо этишда қонунлар ижроси, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича билдирилган мулоҳазаларни амалиётта жорий этиш юзасидан ўз тавсияларини баён этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, кўмита аъзоси **Арслон Эшмуродов** Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасаларига 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи чораги давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлари юзасидан таҳлилий маълумот берди.

Энг муҳим вазифа – раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш, деди у ўз маърузасида.

Мустақилликнинг илк йилларида бошлаб, Президентимиз томонидан устувор вазифа сифатида белгиланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва кучли ижтимоий сиёсатни юритиш бевосита фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳам намоён бўлади. Яна бир масалани айтиш лозимки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилётганини баҳоловчи мезонлардан бири ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилот доимий равишда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириб бориши лозим.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий омилига айланган Конституцияимизнинг бир қатор моддаларида бу муҳим масала акс этган. Масалан, Асосий Қонушимизнинг 2-моддасида: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдилар»**, – дея қатъий белгилаб қўйилган. Айнан мана шу конституциявий норма, яъни Конституция берган ваколатларни орқали фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришади.

Айтиш керакики, фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ёки уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни** билан тартибга солинади. Ушбу қонун меъёрига амал қилиш ва уларни оғайшай бажариш учун республика бошқаруви ва ҳокимият органларининг деярли барчасида «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш» тартиби (Йўриқнома, нисом, қўлланма ва бошқалар) мавжуд. Демак, бу муҳим масаланинг ҳуқуқий асослари яратилган, бу борада тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуни 9-моддасида сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриш ва фуқароларни қабул қилиш лозимлиги белгиланган. Унинг 7-моддасида эса Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофизат қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли»** экани, бундан ташқари, турли масалалар бўйича мансабдор шахсларга парламент ва депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш ваколатига эгалиги белгилаб қўйилган.

Бугун Қонунчилик палатаси депутатлари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида қонунларда назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланиб келмоқда. Қонунчилик палатаси депутатининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаши, шартли равишда, икки қисмга бўлинади. Биринчиси – бевосита йил давомида доимий иш куну ва иш вақтида фуқароларнинг ёзма ва озғак мурожаатлари билан ишлаши. Иккинчиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддаси талаби мувофиқ бевосита ўз сайловчилари билан ўтказиладиган учрашувлари жараёнида ишлаши. Унга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутати февраль, май ва ноябрь ойларининг тўлиқ ҳафтаси депутатларнинг сайлов округларига сайловчилар билан ишлаши белгиланган.

Депутат – сайлов округида ўз ваколатларини амалга оши-

риши учун тегишли ҳокимият вакиллик органининг назоратидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишида иштирок этиш, сайловчилар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг вакиллари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқларига эга.

Бу соҳадаги халқаро тажриба ҳам тасдиқлайдики, барча давлатлар парламентларида депутатларнинг сайлов округи ва ҳудуддаги аҳоли билан муносабатлари тартибга солинган. Депутат сайловчилар томонидан ёзилган хатларга жавоб беради, уларни қабул қилиш жараёнини ташкил этади, сайловчиларнинг таклиф ва шикоятларини ўрганиб чиқади, бу ҳолатлар бўйича қонун асосида тегишли чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда бажарилган ишлар юзасидан маълумот беради.

Албатта, ҳар бир депутат ўзига келиб тушган мурожаатни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади ёки белгиланган мuddатда тегишлилигига қўра кўриб чиқиш учун бошқа ташкилот ва идораларга юборади ва бунинг ҳисобини юрилади.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш масаласини янада такомиллаштириш, мурожаатларни кўриб чиқишга доир иш юритиш тўғри ва аниқ ташкил этиш мақсадига **«Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар билан ишлаш Тартиби тўғрисида»** махсус Йўриқнома лойиҳаси ишлаб

малари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини акс эттирувчи асосий тартиб-қоидаларни белгилайди.

Мазкур қонун талаблари тўғри ва тўла бажарилиши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш, прокуратура органларида фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқишда қонунларга қатъий риъз қилиниши лозим.

Ушбу қонуннинг 24-моддаси талабларига зид равишда фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз рад этиш, уларни кўриб чиқиш мuddатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганилиқ, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш чиқишни асоссиз равишда рад этиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларини уларнинг розилигисиз ошқор этиш қонунга мувофиқ равишда тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабридаги **«Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунчиликни таъминлаш тўғрисида»ги 37-сон буйруғи** талабидан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан мазкур қонун талабларининг вазирликлар, давлат кўмиталари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бажарилиши аҳоли мунтазам равишда текширилиб, аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан

«Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқилиши шарт».

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 35-моддаси

ХАТ ВА МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ

буни ҳар бир раҳбар чуқур идрок этиши лозим



чиқилган ва у муҳокама этилди, яқин кунларда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2010 йили жами 2 минг 885 та ёзма мурожаат келиб тушган. Шулардан энг кўп мурожаат, яъни 755 таси суд, 698 таси прокуратура органларига, 428 таси ҳокимиятлар, 135 таси эса ички ишлар органлари фаолиятига дахлдор. 116 тасида уй-жой олиш билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаатлар қилинган. Шулардан энг кўп, яъни 595 та мурожаат айнан Тошкент шаҳридан келиб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2011 йилда эса жами 3 минг 261 та ёзма мурожаат келиб тушган. Яъни фуқароларнинг ёзма мурожаатлари оғди 2010 йилдагига нисбатан 376 тага кўпайган. 2011 йилда ҳам энг кўп ёзма мурожаатлар ҳуқуқни муҳофизат этувчи идоралар вакиллари фаолиятига дахлдор масалаларга тўғри келади. Яна энг кўп – 709 та мурожаат Тошкент шаҳрига тўғри келади. Бунинг объекти ва субъекти сабаблари бор.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи **Лаазиз Махмудов** ҳам муҳокама этилаётган масалага доир таҳлилий маълумотлар келтирди.

2012 йилнинг биринчи чорагида фуқаролардан адлия органлари ва муассасаларига жами 7 минг 565 (2011 йили 29 минг 513, 2010 йили 29 минг 315) та мурожаат келиб тушган. Кўриб чиқилган шикоятларнинг 1 минг 95 (2011 йили 3 минг 546, 2010 йили 4 минг 181) таси қаноатлантирилган, 2 минг 216 (2011 йили 9 минг 95, 2010 йили 6 минг 837) тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 367 (2011 йили 1 минг 488, 2010 йили 1 минг 658) таси асоссиз деб топилган, 1 минг 147 (2011 йили 4 минг 520, 2010 йили 4 минг 131) таси тегишли идора ва ташкилотларга юборилган.

2012 йилнинг биринчи чорагида фуқароларнинг шикоятлари минтақалар ҳудудидан энг кўп мурожаатлар 303 та (2011 йили 943, 2010 йили 959) Қашқадарь, 284 та (2011 йили 1059, 2010 йили 593) Тошкент шаҳри, 269 та (2011 йили 972, 2010 йили 1000) Сурхондарь, 152 та (2011 йили 697, 2010 йили 683) Самарқанд, 136 та (2011 йили 560, 2010 йили 583) Тошкент вилояти, 75 та (2011 йили 459, 2010 йили 563) Бухоро вилоятида яшовчи фуқаролардан келиб тушган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири **Дониёр Тўраевнинг** фикрига қўра, фуқароларнинг мурожаатларини одилона ва ўз вақтида кўриб ҳал этиш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу конституциявий қонидан манъийлик давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ҳар бир шахсининг давлат органлари, жамоат бираш-

прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб борилмоқда.

Қонуни, ўтган 2011 йил давомида мазкур қонун ижроси юзасидан жами 315 (2010 йили 352) та текшириш ўтказилиб, натижасига қўра қонунчи қарорларни бекор қилиш ҳақида 93 (2010 йили 75) та протест, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 833 (2010 йили 977) та тақдирнома киритилган.

Шунингдек, қонун бузилишига йўл қўймастик ҳақида 311 (2010 йили 646) нафар мансабдор шахс расман оғоҳлантирилиб, 1615 (2010 йили 1 минг 966) нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Мурожаатларни кўриб чиқишда йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 12 (2010 йили ҳам 12) та жиноят иши қўзғатилган ҳамда 143 (2010 йили 24) нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида мазкур қонун ижроси юзасидан жами 68 (2011 йилнинг биринчи чорагида 66) та текшириш ўтказилиб, натижасига қўра қонунчи қарорларни бекор қилиш ҳақида 11 (2010 йили 10) та протест, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 133 (2010 йили 164) та тақдирнома киритилди, шунингдек, қонун бузилишига йўл қўймастик ҳақида 40 (2010 йили 102) нафар мансабдор шахс расман оғоҳлантирилиб, 231 (2010 йили 291) нафар шахс интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилиб, 25 (2010 йили 2) нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши, ҳал этишига бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилиш ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриши белгиланган.

Фуқаронинг поймол этилган ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда қонуний манфаатларини тиклаш – алоҳида эътиборга молик. Айниқса, тадбиркорлар ва фермерларнинг мурожаатларига муҳим эътибор қаратишмоқда. 2011 йил мобайнида прокуратура органлари томонидан республика бўйича жами 100 минг 534 (2010 йили 93 минг 986) нафар, шу жумладан, 2011 йили 39 минг 544 (2010 йили 37 минг 723) нафар фуқаро шахсан прокурор, 16 минг 184 (2010 йили 15 минг 7) нафар фуқаро эса прокурор ўринбосарлари томонидан қабул қилинган.

2012 йилнинг биринчи чорагида эса 26 минг 846 (2011 йилнинг биринчи чорагида 26 минг 33) нафар фуқаро прокуратура органларида, шу жумладан, 10 минг 847 (2011 йил биринчи чорагида 10 минг 588) нафар фуқаро шахсан прокурор, 4 минг 132 (2011 йилнинг биринчи чорагида 4 минг 266) нафар фуқаро прокурор ўринбосарлари томонидан қабул қилинган.

Албатта, қонунларимизга қўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва

шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аммо ёлгон, шахсини шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишдан иборат бўлган мурожаатлар йўллаган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 40-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг тўхматдан иборат бўлган маълумот ва уйдирмаларни тарқатишни давом эттирса ёки ушбу маълумотларни нашр қилиш ёки бошқа усулда қўлайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тўхмат қилиш ёки жиноят содир этганини ҳақидаги тўхматдан иборат мурожаатларни йўллас Жиноят кодексининг 139-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

2011 йил давомида тўхмат ва ҳақоратдан иборат ариза ва шикоят берган, била туриб сохта маълумотлар билан мурожаат этган шахсларга нисбатан 26 та жиноят иши ва 150 та маъмурий иш қўзғатилиб, айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилган.

Айрим ҳолларда фуқароларнинг қонун талабларидан беҳабарлиги туфайли қайси ташкилотга қай тартибда мурожаат қилишни билишмайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳам мурожаатлар сонининг сўний равишда орттишига, ҳам фуқароларимизнинг ўринсиз сарсон-саргардон бўлишига олиб келмоқда.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни 15-моддасида фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари, уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига қирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилиши кўрсатилган.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи чорагида Тошкент аҳолисида тушган мурожаатлар тўғрисидаги таҳлилий маълумот ва таклифлар ҳам баён этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда 2010-2011 йилларда ва 2012 йилнинг биринчи чорагида жами 3 минг 365 мурожаат рўйхатда олинган бўлса, шулардан 1 минг 153 мурожаат (яъни умумий мурожаатларнинг 34 фоизи) Тошкент шаҳри аҳолисида тушган.

Тошкент шаҳридан тушган мурожаатларнинг 934 тасини (81 фоизини) шикоятлар ва 219 тасини (19 фоизини) аризалар ташкил этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишлар бошқармаси бош мутахассиси С. Багировнинг таъкидлашича, Тошкент шаҳар ҳокимлигида фуқароларнинг хат, ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабридаги «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларида иш юритиш бўйича норматив ҳужжатларни олиб бориш ва назорат қилиш тўғрисида» 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори талабларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда.

Ҳокимликка 2011 йил давомида 6 минг 380 нафар фуқаро (шундан 5 минг 208 таси – ёзма хат, ариза, таклиф ва шикоят, 1 минг 172 таси – озғак) мурожаат этган.

Озғак мурожаатлар шаҳар ҳокимлиги қотибият мудири ва мажмулардаги масъул ходимлар ҳамда фуқаролар қабулхонаси орқали амалга оширилган, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 37 тага камайган. Озғак мурожаат билан келган 643 нафар фуқаро бевосита ҳоким ва унинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган.

2011 йили 5 минг 208 ёзма мурожаатдан 3 минг 178 таси назоратга олинган, 1 минг 530 тасининг мурожаати қонунчилик билан, 1 минг 632 тасига қонунлар талаби доирасида тушунтириш берилган. Шу йилги жами 6 минг 380 мурожаатнинг асосий қисми, аниқроғи, 3 минг 178 таси шаҳар ҳокимлиги маҳкамасида ва 960 таси туман ҳокимликларида кўриб чиқилган.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари шаҳар ҳокимлигида бошқармалар раҳбарлари, туман ҳокимликлари ва шу соҳага масъул ходимлар иштирокида ўтказилаётган селектор йиғилишлар кун тартибига фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масаласи ҳам киритилган сабабли бу соҳада натижадорлик ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган кўрсатмалари асосида 2012 йил 9 апрелда шаҳардаги барча раҳбарлар иштирокида кенгайтирилган селектор йиғилиши ўтказилиб, раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби қайта кўриб чиқилди. Ҳар ҳафта ўтказилаётган қабул кунларидан ташқари, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари муаммоларни жойида, оператив ҳал этиш мақсадига маҳаллаларга чиқиб, халқ билан учрашув ва қабуллар ўтказмоқда, уларнинг қабул жадваллари қайта тузилди ва бутунги кунда шу асосда иш олиб борилмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг фуқароларни қабул қилиш бўйича 2012 йилнинг апрель, май ва июнь ойларига белгиланган режа тузилди. Апрельнинг дастлабки икки декадасида уч бор қабул ўтказилди. 4 марта, яъни 10 апрелда Бектемир, 13 апрелда Ултепа, 17 апрелда Мирзо Улуғбек, 20 апрелда Миробод туманларининг маҳаллаларида халқ билан учрашувлар ўтказилиб, фуқароларнинг 37 муаммоси бўйича ишлар аниқланиб, мутасадди раҳбарларга топшириқ берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти раҳбарияти фуқаролардан келатган мурожаатлар билан ишлашни, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини муҳкам ўрганиб, кўтаришга муаммо ва исталарни назоратда тутиш, бу ишга эътиборни куйатириш, мурожаатлар натижадорлигини кескин кўтаришни долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблайди.

Қонун ижодкорлиги соҳасида таклиф сифатида илгари суртилдики, «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги алоҳида қонун қабул қилиш ёки амалдаги «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчал



Елчин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикамиз ҳудудида ўтказилаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»нинг биринчи ўн кунлиги ижобий натижалар билан якунланди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ДАСТАЛБКИ НАТИЖАЛАР ИЖОБИЙ

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини ошириш, транспорт ва пёдалар, жумладан, болалар иштирокидаги йТХларнинг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш мазкур ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўтказилди. 135 километр пёдалар йўлақлари таъмирланди ва 308 та йўл белгилари ўрнатилди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» самарадорлигини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув муассасалари ва аҳоли гавжум жойларда 9057 мартаба учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Ойликни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш ва эътиборини қаратиш, шу йўл билан аҳолининг бу борадаги масъулият ва билимларини янада ошириш мақсадида 7142 та реклама паннолари ва широрлар кўчаларга, транспорт воситаларига, корхона ва ташкилот, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди.

Телевидение орқали 660 мартаба ойликни тарғиб қилувчи видеороликлар намойиш этилди. Жами, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда 879 та чиқишлар ташкиллаштирилди.

Шунингдек, ДЙХХХ ходимлари томонидан 10 кун мобайнида 121467 та қоидабузарлик аниқланиб, турли содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардик.

Ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, сиз учун белгиланган йўл ҳаракати қоидаасига амал қилишингиз шарт ва зарур. Шундай экан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари номидан барча пёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳамда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишга чакирамиз.

Мансуржон РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИВБ ЙХХББ катта инспектори, подполковник

Спорт янгиликлари

«ПАХТАКОР»ДА ТАҲСИЛ ОЛИШАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллионлар ўйини бўлмиш футболни янада ривожлантириш, ушбу спорт турини ёшлар ва болалар орасида оммалаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар таҳсинга сазовор.

Эътиборли жиҳати шундаки, профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат чемпионати савиясини янада кўтариш мақсадида ўз клублари қошида футбол академиялари, мактаблари ташкил этишяпти. Бу аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Тошкентнинг «Бунёдкор», «Пахтакор», Муборакнинг «Машъал» жамоалари қошида ташкил этилган футбол академиясида таҳсил олган кўпгина ёшлар ани кунларда ўз клуб-

ларида асосий таркибда тўп суришмоқда. Яқинда «Пахтакор» футбол академияси ташаббуси билан танлов эълон қилинди. Унга кўра 1995 йилда туғилган болалар футбол академиясида чарм тўп сирларини ўрганишлари мумкин. Фақат танловда иштирок этишни хоҳлаган болалар соғлом бўлишлари шарт. Шу боис улардан тиббиёт рўхсатномаси ҳамда спорт формаси талаб этилади. Акбар Йўлдошев

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракати халқаро кунини ва ушбу ташкилотларнинг 149 йиллиги муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси Х.Каримов сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларида изчиллик билан олиб борилган ишлар, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, саноатлиги муҳофазалаш, фавқулодда вазиятлар юз берганда аҳолига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Шунингдек, буғунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда, соғлом турмуш тарзи ва юқумли касалликлар профилактикаси тарғиботи бўйича олиб борилган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди. Мазкур жамиятнинг 173 нафар меҳр-шафқат ҳамшираси 3283 нафар энг муҳтож фуқароларга доимий равишда уйда хизмат кўрсатиб кел-

ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

моқда. Шундан 1285 нафари ёлғиз қариялар, 1214 таси ногиронлар, 784 таси эса кам таъминланган оила-лардир. Ҳар йили 100 миңдан зиёд ижтимоий химояга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатилади. 2012 йилнинг биринчи чорагида 19080 нафар фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатилди, 8261 та фуқарога эса хайрия кўмаги берилди.

Ташкилот ваколатхонасининг мамлакатимизда фаол иш юритишида Президентимизнинг 1992 йилда имзолаган «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамият томонидан фавқулодда вазиятларда аҳолига шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш, алоҳида эътиборга муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий кўмак бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соҳага оид халқаро ҳамкорликини мустаҳкамлаб бориш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда.

Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламига беразар кўмак бериш, касалликларнинг олдини олиш, кидирув-ёрдам хизматини йўлга қўйишда ёрдамлашиш, бу борада ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Гулнор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳрси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан 16.08.2010 йилдаги икром ҳужжатига асосан 2000 й. «SSANG YONG ISTANA», д/р. сиз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳрси — 6 318 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Зангиота тумани Мистақа боҳона омиборида сақланмоқда. Савдога Пиксент тумани СИБ томонидан 13.04.2012 йилдаги икром ҳужжатига асосан 1975 й. «Зил 130», д/р. 10 У 9500 автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳрси — 6 100 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Пиксент туманида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 19 июнь кунини савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 4 июль кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳрсининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АКИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р.: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИИН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Table with 5 columns: Савдо санаси, Ким томонидан савдога қўйилган, Кўчаси мулк номи ва манзили, Бошланғич баҳор (сўм), Сотилиш баҳор (сўм). Rows include Chilonzor, Mirzo Ulugbek, and Mirzo Ulugbek tumani SIB.

И.Эргашев номли шаҳар 4-сон клиник шифохонаси жамоаси тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор, травматология бўлими мудири Ринат Аммирович ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Table with 5 columns: Савдо санаси, Ким томонидан савдога қўйилган, Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами, Бошланғич баҳор (сўм), Сотилиш баҳор (сўм). Rows include various car models like ВАЗ 2109, ВАЗ 2107, etc.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Муҳаббат билан нафратнинг ораси бир қадам. * * *

Ҳар ким муҳаббатини ҳар хил изҳор қилади. * * *

Ҳаммага бир кўз билан қараб бўлмайди. * * *

Ҳар ким норозилигини ҳар хил изҳор қилади. * * *

Қийшайган дарахтга тирговуч қўйилади. Омонат бахтни тирговуч тутиб қололмайди. * * *

Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдирини, хатти-ҳаракатини, феъл-атворини кўриб ибрат олиш, ҳулоса чиқариш керак. * * *

Аёлнинг сезгилари алдамайди. * * *

Асабий кимсага портлаб кетиши учун арзимас бир баҳона кифоя. * * *

Нодон табиатини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. * * *

Яратилганича қолган деб жоҳил кимсага айтилади. * * *

Қонда бўлмаса, уриниш бекор. * * *

Муҳаббатга куч билан эришиб ҳам, уни куч билан сақлаб ҳам бўлмайди. * * *

Ҳар турли воқеалар инсоннинг аслида кимлигини аниқловчи имтиҳондир. * * *

Қўлига пул тутқазиб қўйсанг-да, бахил ишлатмайди. * * *

Кимни мақтов бузади, кимни танқид. * * *

Бировнинг юкига елкасини тутиб берадиган мард кам. * * *

Ёмондан яхши гап эшитмайсан. * * *

Аввал қилу кейин кут. * * *

Текин нарса миннатсиз бўлмас. * * *

Ҳар қандай янгилик қизиқарли бўлади. * * *

Биров алдаса хафа бўламиз, лекин ўзимизни ўзимиз алдаб яшаётганимизни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз. * * *

Манфаат адолатни оёқости қилади. (Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

В.Успенский номли РИМАЛ 2012-2013 ўқув йили учун қабул эълон қилади 1-синф учун биринчи саралаш босқичи 3 июнь кунини бўлиб ўтади, ўрта синф ва лицейга 10 июнда ўтказилади. Ҳужжатлар 30 майгача қабул қилинади.

Advertisement for 'UZGIDROMET' (ЎЗГИДРОМЕТ) with contact information and a small logo.